



**ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА
ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ**

Холмунинов Шайзоқ Рахматович -

Тошкент давлат иқтисодий университетининг
профессори, и.ф.д. доктори

Дустмуродов Орифжон Исмаилович -

Тошкент давлат иқтисодий
университетининг таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a43

Аннотация. Ушбу мақолада инновацион иқтисодийнинг шаклланиши шароитида рекреацион ҳудудларга янги хизмат турларини татбиқ этиш, иқтисодий самарадорликни ошириш, иқтисодийни барқарор ривожлантиришда туризм хизматларини янада ривожлантириш, ҳудудларга туризм хизматларини ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, янги хизмат турларини татбиқ этиш, туризм ресурсларидан мақсадли фойдаланиш, ҳудудий туризм хизматларини такомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш, “HR” хизматларини ривожлантириш, туризм хизматлари бозорини тартибга солишнинг илмий-услубий ёндашуви тўғрисида фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: инновацион, рекреацион ҳудудлар, туризм ресурси, объектив зарурат, замонавий хизматлар, иқтисодий самарадорлик, валюта алмашуви, тўғридан-тўғри инвестиция.

**ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ВАЖНОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
ЭФФЕКТИВНОСТИ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В УСЛОВИЯХ ФОРМИРОВАНИЯ
ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ**

Д.э.н., проф. Холмунинов Шайзак Рахматович -

Ташкентский государственный
экономический университет

Дустмуродов Орифжон Исмаилович -

Ташкентский государственный экономический
университет базовый докторант

Аннотация. В данной статье представлены новые виды услуг рекреационных территорий в контексте формирования инновационной экономики, повышения экономической эффективности, дальнейшего развития туристских услуг в условиях устойчивого экономического развития, привлечения прямых инвестиций в развитие туризма в регионах, создания новых рабочих мест и внедрение новых услуг. Мнения и комментарии по вопросам целевого использования туристских ресурсов, использования зарубежного опыта совершенствования региональных туристических услуг, развития «кадровых» услуг, научно-методического подхода к регулированию рынка туристических услуг.

Ключевые слова: инновационные, рекреационные зоны, туристский ресурс, объективная потребность в современных услугах, экономическая эффективность, обмен валюты, прямые инвестиции.

**OBJECTIVE NECESSITY AND IMPORTANCE OF INCREASING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF
TOURISM DEVELOPMENT IN THE CONTEXT OF THE FORMATION OF AN INNOVATIVE ECONOMY**

Doctor of Economics, prof.

Kholmuminov Shayzak Rakhmatovich -

Tashkent State University of Economics

Dustmurodov Orifjon Ismatilloevich -

Tashkent State University of Economics

basic doctoral student

Annotation. This article introduces new types of services to recreational areas in the context of the formation of an innovative economy, increase economic efficiency, further development of tourism services in sustainable economic development, attract direct investment in tourism development in the regions, create new jobs and introduce new services. Opinions and comments on the targeted use of tourist resources, the use of foreign experience in improving regional tourism services, the development of “HR” services, the scientific and methodological approach to regulating the market of tourism services.

Keywords: innovative, recreational areas, tourist resource, objective necessity modern services, economic efficiency, currency exchange, direct investment.

Кириш. Туризм соҳасининг миллий иқтисодиётга ижобий таъсири мамлакатда у фақат ҳар томонлама ривожлангандагина кўринади, яъни туризм соҳасининг самарадорлигига унинг мамлакатдаги бошқа ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан параллель равишда ва ўзаро алоқада ривожланиши натижасида эришилади. Туризм соҳаси маҳаллий аҳоли ҳамда хорижий фуқаролар борадиган мамлакат ёки минтақаларнинг тарихи, у ердаги тарихий архитектура объектлари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, анъаналари, маросимлари бўйича билимларини ошириши, дам олиши ва даволанишига шароитлар ярати бериши билан бир қаторда шу мамлакат ёки минтақа иқтисодиётига бевосита валюталар оқимининг олиб келишига, маҳаллий аҳолининг яшаш шароитини ошириш ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашади. Туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ўзига хослиги билан ажралиб туради, унинг маҳсулоти муайян турдаги хизматлардан фойдаланишга бериладиган ҳуқуқ бўлиб, бу хизматларнинг ўзи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилади.

Жаҳонда туризм хизматлари бозорини ривожлантиришга асосий тўсиқ бўлиб келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг самарали ечимларини излашга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш ҳозирги даврда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу жараёнда ҳудудий туризм минтақада ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда ва миллий иқтисодиётда туризмни ривожлантиришнинг самарали модели ишлаб чиқишга алоҳида этибор берилмоқда. Бунда ҳудудий туризмга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва туризмнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим масалаларга киритилган.

Бугунги кунда республикамизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, инновацион ривожлантиришга қаратилган ислохотлар натижасида туризм соҳаси ҳам янги босқичга кўтарилди. Ҳукуматимиз томонидан туризм фаолиятини равнақ топтириш масаласи бўйича муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2022 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-75-сонли фармони, 2022 йил 18 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-135-

сонли ва 2022 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сонли қарорларини кўришимиз мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳудудий туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш хусусида дунёнинг етакчи олимларидан Майк Ставенга, Р.М.Болмостор, М.Б.Биржаков, В.И.Никифоров ва бошқа кўплаб олимлар ўз илмий изланишларида атрофлича тўхталиб ўтишган. Хусусан, С.Г.Сурков ва В.И.Криворучколарнинг “Международный туризм в России: проблемы развития и управления” номли асарида Россияда халқаро туризм бозори ривожланишининг асосий йўналишлари ва интеграцион жараёнлар, туризм саноати субъектлари фаолияти, халқаро туризмни тартибга солиш механизмлари, халқаро туризм сиёсатининг мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар ўтказилган [1].

Шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи олимларидан М.Т.Алимова ўзининг “Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари” номли докторлик диссертациясида туризм бозорида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш, маркетинг концепцияси орқали туризм маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳаси ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш ҳамда ҳудудий туризм кластерини шакллантириш бўйича илмий мулоҳазаларини келтириб ўтган [2]. Шу билан бирга, туризм ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини ошириш оимлари, глобаллашув жараёнларининг туризм фаолиятига таъсири, туризм дестинацияси ривожланиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, И.С.Тухлиев, Р.Ҳайитбоев, Б.Ш.Сафаров, Г.Р.Турсунованинг тадқиқотлари мамлакатимизда туризм соҳаси ва саноатини ривожлантириш, туризм рекреацияси хизматларини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, унда туризмда рекреацион хизматларнинг шаклланиши масалаларига атрофлича эътибор қаратилган [3]. Мазкур тадқиқотларда туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш масалалари ёритилган.

М.Т. Алиева: “...кичик меҳмонхоналарнинг аксарияти мустақил меҳмонхоналар, яъни бундай мулкдан даромад олувчи эгасининг эркин тасарруфида эканлигини кўрсата-

ди. Бошқариш ёки бировнинг хизмат кўрсатиш белгисидан фойдаланиш масалаларида бошқа компаниялар билан шартнома мажбуриятларининг мавжудлиги корхонанинг бозор муносабатларининг бошқа субъектларига нисбатан мустақил корхона сифатидаги мақоми ўзгаришига сабаб бўлмайди” [4], – деган фикрни таъкидлаган.

А.Амонбоев, Д.И.Абидова, Н.А.Жураева: “...туризм дам олиш тузилмасини яратади, у нафақат туристлар томонидан, балки маҳаллий аҳоли учун ҳам фойдаланилиши мумкин, янги туризм марказларининг пайдо бўлиши сервис савдо марказларининг пайдо бўлиши, йўлларнинг қурилиши, ҳордиқ чиқариш корхоналарининг вужудга келишига олиб келади ва у ўраб турган инфратузилма, истеъмол бозори ва бошқа тадбиркорлик фаолиятларига ижобий таъсир кўрсатади” [5], – деган фикрларни билдиришган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот ишида кейинги йилларда республикамиз иқтисодиётининг трансформациялашуви жараёнлари ҳамда жаҳонда юз бераётган турли салбий иқтисодий ўзгаришлар, туризм соҳасини комплекс ривожлантириш, туризм ривожланишининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурати ва аҳамияти ўрганилиб, мазкур йўналиш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига таянган ҳолда анализ ва синтез, кузатиш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, расмий-манتيқий, операцияларни тадқиқ этиш, статистика ва иқтисодий таҳлил каби усуллар орқали туризм соҳаси ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш усули таклиф этилган. Шунингдек, ҳудудларда туризм объектлари фаолиятини самарали ташкил этиш, туризм инфратузилмаларини оқилона ривожлантириш ва сифатли кадрларни тайёрлаш ҳамда туризм саноати ривожланишини қўллаб-қувватлаш даражалари бўйича омилларига оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 26 апрель куни туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда мамлакатимиз раҳбари: “Дунёда пандемия пайтида ўрнатилган чекловлар биринкетин камаяётгани туфайли туризм саноати тиклана бошлапти. Жорий йил биринчи чоракда юртимизга хориждан 610 минг нафар ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2

баравардан зиёд туристлар келган. Кейинги ойларда янада кўп туристлар келиши кутилмоқда” [6], – дея таъкидлади.

Ислохотларнинг янги босқичида дастурлар ишлаб чиқишда асосий эътибор мамлакатимиз Президентининг ҳудудларга ташрифларида берилган топшириқлар ва лойиҳалар ижросини таъминлаш, туманлар ва шаҳарлар табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали уларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш ва якуний натижа сифатида аҳоли турмуш даражасини ошириш, камбағалликни қисқартириш каби масалаларга қаратилди.

Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда ва ушбу мақсадга эришиш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги мавқеи ва ролини ҳар томонлама оширишда устувор йўналишлардан бири ҳудудий туризм ҳисобланади.

Ҳудудий туризмни ривожлантиришда иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар, туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги бўйича жорий, оралик ва якуний кўрсаткичларни баҳолашнинг назарий, методологик жиҳатларини тадқиқ қилиш масалалари етарли даражада ўрганилмаганлиги тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди. Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ислохотлар ва туризмга бўлган эътиборнинг ортиши мазкур соҳада тадқиқотларнинг кенгайишига олиб келмоқда.

Бугунги кунда кишилар ўзларининг бўш вақтларида доимий турар жойларидан бошқа мамлакат ёки ўз мамлакатлари ичида саёҳат ва дам олиш, соғлиқни тиклаш, меҳмондорчилик, билим олиш ёки касбий амалий мақсадларида саёҳат қилишлари ҳамда борган жойларида пул билан рағбатлантириладиган иш билан шуғулланмайдиган соҳа – туризм кенг ривожланиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг қамровли ислохотлар олиб борилиб, ҳар бир ҳудуднинг табиий-экологик, иқтисодий-ижтимоий ва тарихий-географик жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳа ривожлантирилмоқда. Бироқ юртимизнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, айниқса, сайёҳларни мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам жалб қилиш ҳали етарли даражада, деб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, мамлакатимизда ҳудудий туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга

бўлиб, энг чекка ҳудудларга ҳам ташриф буюриб, у ерлардаги мавжуд туризм имкониятларини ўрганиш, тарғиб қилиш, бу соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш чораларини ишлаб чиқиш лозим.

Туризм соҳасини ривожлантириш бўйича бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида етти устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегияси доирасида “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да халқ манфаатларига қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган 5 та муҳим ташаббус ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга етказиш, тарғибот тадбирларини маҳаллалар бўйича ўтказиш, аҳоли кайфиятини кўтариш мақсадида шу йилнинг ноябрь ойида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этилганлиги юртимизнинг туризм салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача бўлган даврда туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси [7]га кўра, туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсади ҳудудий туризмни ривожлантириш асосида туризм хизматлар бозорини барқарор ривожлантиришда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган.

Туризм хизмат бозори сотувчилари (маҳсулот билан таъминловчи) ва туризм хизматларининг харидорини (талабни тақдим этувчилар) бирлаштирувчи институт сифатида қаралади [8]. Бошқа товар бозорларидан фарқли ўлароқ, туризм хизмат бозорида товарнинг сотувчидан харидорга кўчиши кузатилмайди, балки харидорлар, яъни туристлар тайёрланган хизматларни, турмаҳсулотни олиш учун белгиланган манзилга қараб ҳаракат қилишади. Туризм хизмат бозори субъектлари туризм маҳсулоти ишлаб чиқарадиган ва истеъмол қиладиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, туризм хизмат бозорининг иқтисодий моҳияти кўп жиҳатдан туризмда кенг қамровли бўлган мультипликатив самара таъсирига асосланади. Туризм назариётчиларидан бири бўлган Ирена Енджейчикнинг таъкидлашича, “...мультипликатив самаранинг таъсири натижасида туризмда яратилган битта ишчи ўрни туризм билан ҳамкорлик тизими орқали боғланган бошқа соҳа ва тармоқларда етти та янги ишчи ўрнини яратади” [9].

Туризм хизматлар бозори мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаси бўлиб, туризм саноатининг миллий иқтисодиётдаги асосий ўрни ва уни ривожлантириш бутун иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ. Миллий иқтисодиётда туризм хизматлар бозорининг шаклланиши учун қатор шартларни амалга ошириш зарур. Ушбу шартлар қуйидагилардан иборат: табиий-географик, маданий-тарихий, ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий (1-расм).

Туристлар учун бугунги кунда қуйидаги табиий туризм ресурслари жозибадор бўлиб қолмоқда (масалан, Тошкент вилояти ёки Фарғона водийси ва шу қабилар). Оғир иқлим шароити ёки географик жиҳатдан узоқ жойлашув бўлса, ҳатто диққатга сазовор жойларнинг кўплигига қарамасдан, йил бўйи барқарор туризм оқимини таъминлаб бўлмайди.

Маданий-тарихий шарт-шароитлар туризм ривожланишига икки йўналишда таъсир кўрсатади. Биринчидан, тарихий ёдгорликлар (Самарқанд, Бухоро ва Хива) ва объектларнинг табиий сақланиб қолганлиги билан дестинацияни туристлар оқими билан таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, ҳудудларда аҳолининг саводхонлик даражаси ошиши, маданий қадриятларни тарғиб қилиш, аҳолининг янги билимларни тўплаш ва бошқа халқлар билан ўзаро алоқага киришиш истагини оширади. Кейинги шарт-шароитлар гуруҳи ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳисобланади. Бу ерда асосий ўринда давлатнинг роли туради.

Давлат томонидан туризм саноати ва меҳмонхона хўжалиги бўйича қонунчилик базаси шакллантирилади. Айнан давлат томонидан маъмурий ва иқтисодий бошқарув усуллари орқали қулай солиқ-кредит ва инновацион-инвестиция муҳити тартибга солинади. Маъмурий тартибга солиш усуллари туризм ва меҳмондорчилик саноати корхоналари фаолиятини тартибга солиш (меъёрий-ҳуқуқий база, фаолиятни лицензиялаш, монополияга қарши тартибга солиш)ни кўзда тутаяди.



1-расм. Худудий туризмни ривожлантиришда туризм хизматлар бозорининг шаклланиш шарт-шароитлари [10]

Иқтисодий тартибга солиш усуллари асосида соҳа корхоналари ва барча манфаатдор томонлар фаолиятини туризм бозорида фаолият олиб боришга рағбатлантириш орқали (солиқ ва солиқ имтиёзлари, имтиёзли кредитлар, дотация ва субсидиялар, лойиҳавий молиялаштириш, давлат буюртмалари) амалга оширилади.

Бундан ташқари давлат томонидан соҳа корхоналарининг жамоатчилик хавфсизлиги ҳам таъминланади. Мамлакатда ёки унинг худудларидаги ижтимоий хавфсизлик худудий

туризмнинг ривожланишини ҳам рағбатлантиради. Мамлакатдаги сиёсий беқарорлик ва ижтимоий хавфсизликнинг пастлиги мамлакат ва унинг худудларида дунё аҳамиятига эга бўлган диққатга сазовор жойлар бўлишига қарамасдан, туристлар оқимининг камайишига олиб келади. Мамлакат ва унинг худудларидаги ўзаро наф келтирувчи ташкилий-иқтисодий шарт-шароитлар рақобатни ривожлантириш ва таклиф этилаётган туризм хизматларининг диверсификациялашувини таъминлаб беради.

1-жадвал

Ўзбекистон худудларида сайёҳлик салоҳиятининг асосий кўрсаткичлари [11]

Минтақалар	Экскурсион ресурслар таркиби, %		
	Тарихий-маданий	Ижтимоий-маданий	Табиий
Андижон вилояти	25,2	67,0	7,8
Бухоро вилояти	9,0	20,3	70,7
Жиззах вилояти	9,6	61,6	28,8
Қорақалпоғистон Республикаси	29,7	35,2	35,1
Қашқадарё вилояти	74,0	18,6	7,4
Наманган вилояти	17,4	52,6	30,0
Самарқанд вилояти	72,3	15,9	11,8
Сурхондарё вилояти	49,4	27,8	22,8
Сирдарё вилояти	26,9	52,2	20,9
Тошкент вилояти	61,9	31,8	6,3
Фарғона вилояти	37,3	49,0	13,7
Хоразм вилояти	89,7	6,6	5,7

Туризм ўзига хос комплекс ва кўп тармоқли хусусиятга эга тармоқ бўлиб, ҳудуднинг асосий туризм салоҳиятини ҳудуднинг географик жойлашуви, иқлими, мавжуд ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, гидрология иншоотлари, чўлларнинг сайёҳлик имкониятлари билан белгиланади (1-жадвал).


Бизнинг фикримизча, ҳар бир ҳудудда туризм хизматларини ривожлантиришда унинг ички имкониятларини ўрганиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Туризм жамиятда ўзига хос ижтимоий вазифаларни бажаради. Улар: аҳолини меҳнатга лаёқатини тиклаш ва ривожлантириш, бўш вақтдан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, дам олиш инфратузилмаларини ривожлантириш, саломатликни тиклаш ва ҳоказо.

Туризм хизматлар бозори шаклланиши учун зарур бўлган шарт-шароитлардан бири ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлардир. Аҳоли сони ва миллий таркиби, даромадлар даражаси туризм бозори ҳажмини белгилаб беради. Урбанизация, иш вақтининг узайиши,

турмуш тарзининг замонавий шаҳар услубига трансформациялашуви янги истеъмолчилар жамиятини шакллантирди ва турли таассуротлар, билим ва қўшимча хизматларга бўлган талабнинг шаклланишига туртки беради. Натижада туризм хизматлари бозорининг иқтисодий қонуниятларидан бири бўлган Энгель қонуни ҳосил бўлади, унга кўра даромадлар даражасининг ортиши билан аҳолининг биринчи даражали истеъмол товарларига бўлган сарфларининг камайиши ва маънавий ривожланиш ҳамда ҳашамларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига олиб келади (жумладан, туризмга) [12].

Давлатнинг туризмни ривожлантиришга бўлган манфаатли жиҳати унинг бошқа тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишига бевосита ва билвосита таъсирида ифодаланади. 2-расмдан кўриниб турибдики, туризм ривожланиши мультипликатив самара ҳисобига қурилиш, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва бошқа тармоқлар ривожланишига таъсир қилади.



2-расм. Ҳудудий туризм ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи турдош соҳалар [13]

Индустриал жиҳатидан сустривожланган ва узоқ худудларда туризм мажмуаларининг барпо этилиши аҳолининг шаҳар агломерациясига қараб ҳаракатланиши, ишлаб чиқариш кўламининг пасайиб бориши, анъанавий қишлоқ хўжалиги ва турмуш тарзининг йўқолиб кетиши каби салбий оқибатларнинг олдини олади.

Бизнингча, туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг самарали ва қўллаш имконияти катта бўлган механизмларидан бири солиқлар орқали тартибга солиш ва кредит сиёсатидир. Ушбу механизмларни батафсил кўриб чиқамиз.

Бугунги кунда туризм корхоналари ривожланиши масалаларида молиявий ресурсларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Туризм корхоналари кредит муассасалари ва тижорат банкларидан юқори фоиз ставкаларида кредитлар жалб қилади ва уларни моддий-техник базани такомиллаштириш ёки турли тадбирларни молиялаштириш учун йўналтиради. Шу муносабат билан меъёрий ва ҳақиқий кўрсаткичлар бўйича ижобий самарадорлик кўрсаткичларига эга, самарали бошқарув тизимини жорий эта олган ҳамда туристларга кўрсатилаётган сифатли туризм хизматлари орқали фойда ўсишига эришган туризм корхоналарини имтиёзли кредитлаш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Солиқлар орқали тартибга солиш механизмлари туризм корхоналарига туризм фаолиятини амалга ошириш ва самарали бошқарув тизимини жорий этишда маҳаллий солиқлар даражасида турли имтиёзлар беришни кўзда тутаяди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига муайян солиқ турлари бўйича имтиёзлар бериш ҳамда олинган маблағларни мақсадли йўналтиришга қаратилган (масалан, инвестиция киритиш шарти билан “0” фоизли ставкада сотиб олиш) бандлари мавжуд.

Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли банк кредитининг қимматлиги ҳамда туризм корхоналари учун имтиёзли кредит олиш қийин бўлган шароитда, инвестицион лизингли фаолият бўйича имтиёзли солиқларни тиклаш механизминини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда лизинг усулидан фойдаланиш туфайли олинган даромадни дастлабки икки йилга даромад солиғидан, лизинг шартномаларига кўра иш юритадиган ташкилотларни ҚҚС тўловидан озод қилиш мумкин.

Божхона назорати таъсири туризмнинг тадбиркорлик, автотуризм каби турларининг ривожланишини туристлар томонидан олиб

кириладиган, олиб чиқилмайдиган товарларга бож тўловлари миқдорини камайтириш йўли билан рағбатлантиришдан иборат. Бугун Ўзбекистонда божхона тўловлари божхона чегарасидан ўтадиган шахслар, товарлар, транспорт воситалари ва бошқа предметларга белгиланган тартибда олинадиган бож пошлинаси, божхона тўловлари, ҚҚС, акцизлар, жами 14 турдаги тўловларни ташкил қилади.

Худудий туризмни рағбатлантириш мақсадида кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари томонидан аэропортларда “Duty Free” божсиз савдо дўконлари ташкил этилмоқда, шахсий автотранспортда киришда туристлардан олинадиган бож тўловлари миқдори камайтирилмоқда, мамлакатда харид қилинган туризм товарларига ҚҚС божхонада қайтариб берилмоқда. Тарифга оид бошқарувнинг мақсади табиий маҳсулотлар, яъни газ, электр энергияси, авиация, темирйўл транспорти кабиларга тарифларни ўзгартиришдан иборат ва бу, ўз навбатида, республикадаги туризм корхоналари фаолиятини рағбатлантиради, натижада бу туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг нархида ҳам ижобий акс этади.

Тадқиқотлар натижасида миллий туризм хизматлар бозорининг ривожланишига иқтисодий ва ижтимоий омиллар бевосита таъсир қилиши аниқланди. Айнан мана шу омиллар хорижий туристнинг миллий туризм маҳсулотига бўлган талаби ва қизиқишини қондиришга ёрдам беради. Дарҳақиқат, туристлар фақат мамлакатнинг иқтисодий ислохотларга бўлган қизиқишини қондириш учун келмайди, балки мавжуд табиий, тарихий объектларини кўришга ва унинг маданияти, қадриятлари, турмуш тарзини ўрганиш мақсадида ташриф буюришади.

Демак, худудий туризм хизматлар бозорининг моҳияти унинг вазифаларида, яъни миллий туризм маҳсулотининг жозибадорлигига боғлиқ бўлиши маълум бўлди. “Миллий туризм маҳсулоти” тушунчаси туризм фаолиятига жалб қилинадиган ва фойдаланиладиган мавжуд табиий, иқлим, маданий ва тарихий-архитектура ресурслари; туризм ва унга турдош инфратузилма; ўзга давлатлар туристларни ўзига жалб қилишга мўлжалланган манзилли туризм маҳсулотларини яратадиган ва уни реализация қиладиган туризм корхоналарининг фаолиятдан иборат бўлган ҳолатлар тўпламидан иборат экан. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, миллий туризм маҳсулоти туристларга хизмат кўрсатиш бўйича ва шахсий нуфузни шакллантириш бўйича давлатнинг фаолият тури тушунилади. Ижобий

нуфузга эга бўлиш нафақат туризм корхонаси учун, балки қўшимча маблағ келтириб, хизмат кўрсатаётган минтақа учун ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Ҳақиқатда, мазкур давлатга ташриф буюриш тўғрисида қабул қилинадиган қарор туристнинг тасаввурида маданий, маиший, молиявий, танишув ва бошқа талабларини қондириш нуқтаи назаридан унга қай даражада жозибadorлигига бевосита боғлиқ бўлади.

Иқтисодий муаммолар мазкур тармоқлараро мажмуани таркибий қисмларининг ўзаро алоқалар миқёсида таҳлил қилади (жумладан, саноатни ҳам, яъни оммавий ва экологик жиҳатлари билан бирга ишлаб чиқариш йўналишини). Замонавий иқтисодиёт фани туризмни мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқади, туризм саноати деб аталувчи кўп тармоқли ишлаб чиқариш мажмуаси унинг фақат таркибий қисмигина, холос.

Туризм соҳаси Ўзбекистоннинг кўпгина, айниқса, рекреацион имкониятлари мавжуд минтақаларнинг ҳар томондан ривожланиши учун сифат жиҳатидан янги давр бошланишига туртки бериши мумкин. Бу эса Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва бутун Фарғона водийси учун муҳимдир.

Ушбу ҳудудлар туризм соҳаси ҳисобига нафақат ўзларининг ривожланишини жадаллаштириши, балки тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳам ҳал этиши мумкин бўлади. Туризм фаолиятининг мажмуавий табиатга эгаллиги туризмнинг кенг маънода тармоқлараро, тармоқлар ичидаги ва хўжаликлараро ҳолатини кўриб чиқишни тақозо этади.

Туризм хизмат бозорининг моҳияти ва таркибини аниқлашда туризм хизматларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Туризм хизматларининг анъанавий, моддий кўринишда эмаслиги, бевосита сезилмаслиги, истеъмолчининг бевосита сервис жараёнида иштирок этиши, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш амалларининг ажралмаслиги каби белгилар бу турдаги хизматларни тўлалигича ифодалайди. Туризм хизматларининг хусусиятларини тадқиқ қилишнинг янги имкониятларини излаш уларнинг жамиятга фойда келтириши кўламини белгилаш ва унинг ташқи таъсири концепциясини қўллаш билан боғлиқ бўлади.

Туризм соҳасидаги баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, макон чегаралари фақатгина миллий ва жаҳон туризм бозорларида мав-

жуд бўлади, бунда биринчи ҳолатда ҳар бир алоҳида ҳудуддаги бозорлар кўзда тутилса, иккинчи вазиятда барча давлатларнинг ҳудудларини қамраб олади. Бироқ UNWTO маълумотларига кўра, амалиётда алоҳида туризм бозорларини ҳисобга олишда ҳар доим ҳам бевосита давлатлар кўриб чиқилмайди. “Миллий туризм хизматлар бозори” тушунчаси ҳар бир алоҳида мамлакат ҳудудини хизматлар билан тامينлайдиган бозор бўлиб, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳосиласи сифатида туризм саноати миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлганлиги туфайли уни ривожлантириш унга турдош хўжаликларни ривожлантириш даражасига бевосита боғлиқ эканлиги билан белгиланади. Бугунги кунда ҳудудий туризмни ривожлантириш бўйича асосий молиявий механизм сифатида ҳукуратимиз томонидан “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастурини [14] амалга оширишда мамлакатимиз фуқароларига туризм турлари учун қилинадиган тўловлар билан боғлиқ харажатлар қуйидаги манбалардан тўланиши белгиланган:

таълим ташкилотлари талабалари учун – ўз маблағлари ва Ўзбекистон ёшлар итифоқи маблағлари ҳисобидан [15];

ташкилот ва корхона ишчилари учун – ўз маблағлари, иш берувчи маблағлари ва жамоавий шартномаларга мувофиқ бошқа маблағлар ҳисобидан;

боқувчисини йўқотган болалар, қизил дафтардаги оилалар фарзандлари, ногиронлиги бўлган шахслар учун уларнинг умумий сонидан камида 20 фоизи қамраб олиниши таъминланган ҳолда – хайрия маблағлари, шунингдек, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети кўрсаткичларида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан;

нафақахўрлар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари учун – ўз маблағлари, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан;

ташаббускор хотин-қизлар учун – ўз маблағлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси маблағлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ва хайрия маблағлари ҳисобидан;

маҳалла фаоллари ва ёш оилалар учун – ўз маблағлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан тенглик асосида қопланади [16].


Ҳудудий туризмни ривожлантиришда давлатнинг вазифаси миллий турмаҳсулотни ички ва халқаро бозорларда силжитишдан

иборат. Хусусий бизнес бутун мамлакатнинг нотижорат рекламасини амалга ошириш имкониятига эга эмас, шу сабабли улар ўз маҳсулотини силжитиш билан кифояланади, Ўзбекистоннинг халқаро бозордаги туризм имижини шакллантириш эса давлат (Ташқи ишлар вазирлиги) томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ, буни жаҳон тажрибаси ҳам тасдиқлайди.

Худудий туризмни ривожлантиришнинг муҳим воситаларидан бири рақобат муҳитини яратиш, монополия ва носоғлом рақобатга қарши курашга асосланган монополияга қарши сиёсатдир. Туризм соҳасидаги давлатнинг монополияга қарши сиёсати давлат томони-

дан тартибга солиш шакли сифатида самарали амал қилмоқда [17].

Худудий туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда хорижий инвестицияларни жалб қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва халқаро стандартларга мослашиш, аҳолининг саломатлигини яхшилаш нуқтаи назаридан ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали воситасидир. Шу билан бирга, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари туризм комплексининг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги бўлиши кераклигини ҳисобга олиши муҳим ҳисобланади.



3-расм. Туризм саноати ривожланишини қўллаб-қувватлаш даражалари бўйича омиллари [18]

Худудий туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш халқаро, миллий ва худудий даражаларда амалга оширилиб, улар туризм бозорини самарали шакллантириш ва ресурслардан оптимал фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи омиллар тизимини ўз ичига қамраб олади (3-расм).

Шу билан бирга, туризмни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:

– мулкчилик шаклидан қатъи назар барча туризм ташкилотлари тармоғи фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш;

– меҳнатга лаёқатли аҳоли, уруш ногиронлари, аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳларининг бошқа тоифалари, болаларни соғломлаштириш учун мўлжалланган санаторийларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш бўйича чораларни амалга ошириш;

– курорт ва рекреация ресурсларининг давлат ва худудий реестрлари асосида мамлакат табиий доривор ресурсларини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг қатъий тизимини жорий этиш.

Худудий туризмни ривожлантиришнинг объектив зарурати иқтисодий тизим сингари туризм бозори ва унинг субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бозор иқтисодиётининг тартибга солувчи дастаклари орқали мувофиқлаштириб турилади. Аммо туризм бозори қанчалик такомиллашган ва мукамал бўлмасин, унинг тартибга солувчи иқтисодий механизми туризм тармоғи учун малакали кадрларни тайёрлаш, транспорт тизимини модернизация қилиш, туристлар хавфсизлигини таъминлаш, тарихий-маданий меросни сақлаш ва ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби самарали ривожлантириш дастакларини тўлақонли қамраб ололмайди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда сўнгги йиллардаги иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ўзгаришлар иқтисодиёт тармоқларининг хўжалик фао-

лиятида, шунингдек, улардаги бошқарув тизимининг тузилмавий ўзгаришини тақозо этмоқда. Давлат томонидан худудларда туризм соҳасини яхлит ривожлантиришга таъсир кўрсатиш сиёсати худудларда муҳим аҳамиятга эга. Туризмга стратегик мақомининг берилиши худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ислоҳотлар ва туризмга бўлган эътиборнинг ортиши, мазкур соҳада тадқиқотларнинг кенгайишига олиб келди. Ўзбекистон Ресубликасида 2025 йилгача бўлган даврда туризм соҳасини ривожлантириш концепциясига кўра, туризм соҳасида давлат сиёсатининг асосий мақсади худудий туризмни барқарор ривожлантириш асосида туризм хизматлар бозорининг барқарор ривожланишига эришишни таъминлашга қаратилди.

Бизнинг фикримизча, худудий туризмни ривожлантиришда иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурати ва аҳамияти сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий, иқтисодий ҳаётдаги мавқеи ва ролини ҳар томонлама оширишни таъминлаш;

– Ўзбекистонда худудий туризмни ривожлантиришда мазкур хизмат турлари доирасида туристлар оқимини жалб қилишга муҳим масала сифатида қараш;

– Ўзбекистонда туризм бозорини ривожлантиришнинг бугунги босқичида давлат ташкилотларининг асосий вазифаси хорижий туристлар билан бир қаторда маҳаллий туристларни ички бозорга йўналтириш;

– худудий туризм ресурсларини ривожлантириш, туризм рекреацияси салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

– соҳада эркин рақобатни рағбатлантириш мақсадида бозор тизимининг самарали амал қилишига имкон туғдирувчи ҳуқуқий асос ва ижтимоий-иқтисодий муҳитни таъминлаш;

– туризм хизматлари бозорида рақобатни ҳимоя қилиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сурков С.Г. *Международный туризм в России: проблемы развития и управления.* / С.Г.Сурков, В.И.Криворучко. – М.: Советский спорт, 2009. – 214 с.
2. Алимова М.Т. *Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида).* И.ф.д. дисс. – Самарқанд: СамИСИ, 2017. 25-26-б.
3. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. *Туризм асослари. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.* – Т.: Fan va texnologiya, 2014. 151-б.
4. Алиева М.Т. *Меҳмонхона менежменти. Дарслик.* – Т., 2007. – 335 с.
5. Amonboyev M., Abidova D.I., Jurayeva N.A. *Turizm iqtisodiyoti va menejmenti. O'quv qo'llanma.* – Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 226 bet.

6. Янги Ўзбекистон (<https://yuz.uz/news/turizmni-rivojlantirish-imkoniyatlari-korsatib-otildi>). Туризмни ривожлантириш имкониятлари кўрсатиб ўтилди.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.01.2019 й., 06/18/5611/2430-сон, 15.08.2019 й., 06/19/5781/3567-сон, 20.09.2019 й., 06/19/5833/3774-сон.
8. Сафаров Б.Ш. Миллий туризм бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 184.
9. Енджейчик И. Современный туристский бизнес. – М.: Финансы и статистика, 2003. С. 10-11.
10. Муаллиф ишланмаси.
11. Голышева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях. – Т., 2012. С. 81.
12. Квартальнов В.А. Туризм. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003. С. 176.
13. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.02.2018й., 07/18/3514/0672-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 20.06.2020 й., 07/20/4755/0783-сон.
14. 1-банд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 713-сонли қарори таҳририда – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.11.2020 й., 09/20/713/1504-сон.
15. Экономика и организация туризма. / Под ред. Е.Л.Драчева, Ю.В.Забав, Д.К.Исмаев. – М.: КНОРУС, 2005. – 576 с.
16. Муаллиф ишланмаси.



РЕСТОРАН ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ибодов Камолиддин Маматқулович -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтини катта ўқитувчиси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a44

Аннотация. Мақолада ресторан хизматлари соҳасини тадқиқ этишнинг назарий-методик жиҳатлари ёритилган бўлиб, илмий адабиётларда келтирилган муаллифлик таърифлари танқидий таҳлил қилинган ҳолда муаллифлик талқинидаги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилган, ресторан хизматлари соҳасини миллий иқтисодиётнинг алоҳида хизматлар соҳаси тармоғи сифатида ўрни ва аҳамияти асослаб берилган.

Калим сўзлар. ресторан хизматлари, умумий овқатланиш, ижобий самара, сервис ландшафти, истеъмол таомиллари.

ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ СФЕРЫ РЕСТОРАННЫХ УСЛУГ

Ибодов Камолиддин Маматқулович -
ст.преп. Самаркандский институт
экономики и сервиса

Аннотация. В статье описываются теоретико-методологические аспекты изучения ресторанного сервиса, анализированы авторские определения ресторанного сервиса и разработано усовершенствованное авторское определение понятия «ресторанные услуги». Обоснованы роль и значение ресторанного сервиса как отдельной отрасли сферы услуг национальной экономики.

Ключевые слова: ресторанно-сервисные услуги, общественное питание, положительный эффект, сервисный ландшафт, потребительские навыки.

THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ASPECTS OF RESTAURANT SERVICES RESEARCH

Ibodov Kamoliddin Mamatkulovich -
Senior Lecturer Samarkand institute of
economics and service

Abstract. The article describes the theoretical and methodological aspects of the study of restaurant services, analyzes the author's definitions of restaurant services and develops an improved author's definition of the concept of «restaurant services». The role and importance of restaurant services as a separate branch of the service sector of the national economy is substantiated.

Keywords: restaurant services, catering, positive effect, servicecape, consumer skills.